

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДА ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ, СИЁСИЙ, ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ.

Окюлов Хасан Оманбаевич

*Тошкент молия институтининг “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта
ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегияси тўғрисида Фармони қабул қилинди. Ушбу фармон халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Хар йили “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ амалга оширилиши бўйича таҳлилни жамоатчилик билан биргаликда ўтказиш ва натижаларини эълон қилиб бориш тизимини йўлга қўйиш белгилаб қўйилди. Ушбу концепциянинг 1.4 қисмида Ёшларга оид давлат сиёсати белгилаб қўйилган. Бунда ёшларни замонавий касблар билан машғул бўлишини таъминлаш учун хар бир вилоятда биттадан креатив парклар фаолиятини ташкил этиш, уларга йилига камида 40 минг нафар ёшларни жалб қилиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг илмий фаолиятини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ишсизлик даражасини камайтириш, ёшлар ўртасида IT соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада компьютер дастурлари экспортини ошириш жумладан, мактаб ўқувчиларини халқаро IT бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўқитиш, 1 миллион дастурчи лойиҳасини кенгайтириш ва хар йили 15 минг нафар энг иқтидорли ёшларни нуфузли халқаро компаниялар талабларига мос дастурлар асосида тайёрлаш вазифалари белгиланган.

Иқтисодий тизимда ёш тадбиркор мулкдорлар фаолиятининг ривожланиши ўз навбатида ижтимоий тизимда, фуқаролик жамиятида ҳам уларни алоҳида қатлам сифатида намоён бўлишига олиб келади. Бошқача айтганда миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига айланади. Ёш тадбиркор мулкдорлар фуқаролик жамияти сиёсий тизимда ўз ўрнига эга бўлишга ўз манфаатларини кўзлаб турли институционал тузилмалар орқали уюштиришга, бирлашишга ҳаракат қилади бу табиий албатта. Бинобарин, фуқаролик жамиятининг олдида турган энг муҳим - вазифа ёш тадбиркор мулкдорларни жамиятдаги ўрта қатлам мулкдорлар таркибига қабул қилиш ва ягона куч сифатида умум манфаатлар муштараклиги асосида ҳаракат қилишини таъминлаш ҳисобланади.

Илмий адабиётларда ёшлар тадбиркорлиги феномени ўрганилганда у иқтисодиётнинг ривожланиш драйвери, кичик ва ўрта бизнес тузилмаларини катта қисмини ташкил этиши, инновацион ғояларни амалга оширишда муҳим роль ўйнаши таъкидланади. Тадбиркорлик фаолиятининг бундай сегменти юқори даражадаги инновацион очқлиги, нобарқарор ижтимоий, иқтисодий шарт-шароитларга мослашиш лаёқати ва кўзланган мақсадларга эришиш учун юқори даражада таваккалчиликка асосланган ностандарт қарорлар қабул қилиш лаёқати билан тавсифланади.¹³

Тадқиқотчилар ёшлар тадбиркорлиги муаммоларини ўрганганда уни ривожланишини секинлаштирадиган 3 гуруҳдаги муаммолар борлигини қайд этадилар:

- шахсий ёки мотивациявий;
- касбий билимлар ва тажрибанинг заифлиги;
- қонунчиликдаги муаммолар.¹⁴

Юқорида кўриниб турибдики, ўрта мулкдорлар қатламида ёш мулкдор тадбиркорлар сегменти шаклланди ва муҳим ўрин эгалламоқда. Агар ёш тадбиркор-мулкдорлар ижтимоий портретини, чизгиларини шакллантирадиган бўлсак, биринчи галда уларда ёшларга хос шижоат, жўшқинлик, қатъият, дадиллик, креатив ёндашув асосида янгилкка ўчлик, янги ғоялар, илғор усуллар, технологияларни бирданига англаб етиш ва қабул қилиш хислатларини қайд этиш лозим. Ўрта авлодга нисбатан олганда ёш авлод тадбиркорлари таваккалчилик даражаси юқорилиги, таваккалчилик хавф-хатарларини мутлақлаштирмаслик ва уларни одатдаги ҳолат сифатида қабул қилишга мойиллик яққол намоён бўлади. Бу ўринда Уинстон Черчилнинг “Ёшлигида радикал, қариганда консерватор бўлмаган одам қўй мижоздир” деган гапини эсламасдан илож йўқ.

Ёш мулкдор-тадбиркорлар қимматбаҳо қоғозлар бозорида ҳам, инвестиция киритиш ва қабул қилиш йўналишларида ҳам, ИТ технологияларини қўллаш асосида, жумладан, сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиёт соҳасида ҳам энг олдинги марраларда бормоқда. Бу билан ўрта авлод мулкдор тадбиркорлари иқтисодиётни анъанавий соҳаларида қолиб кетмоқда, улардаги эhtiёткорлик, таваккалчилик хавф хатарларини қатъий ҳисобга олиш асосида замонавий даражадан муайян орқада юриш хусусиятлари улар ижтимоий портрети чизгиларида ёрқин бўёқларда намоён бўлади деб айтмоқчи эмасмиз. Умуман олганда реал ҳаётда ёшлар тадбиркорлиги катталар тадбиркорлиги билан Хитой девори орқали ажратиб қўйилган эмас. Улар бир бирлари билан елкама елка фаолият юритмоқдалар. Қолаверса, кўп ҳолларда ёшлар тадбиркорлик сирларини, уни амалга ошириш усуллари ва шаклларини катта авлоддан ўрганганлигини, бу ўринда ўзига хос устоз-шогирдлик анъаналари

^[13] <https://cyberleninka.ru/article/n/molodezhnoe-predprinimatelstvo-problemy-i-puti-resheniya>

^[3] Е.В.Титова., С.И.Королева., А.В.Ларченко., В.Г.Милославский

мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бироқ шунга қарамасдан ёшлардаги профессионал даражадаги фаоллик, бизнесда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам ўзига хос мобиллик, сафарбарлик даражасининг юқорилиги, креатив ёндашув асосида таваккал қилишга мойиллик, уларнинг ўзига хос ахлоқий маънавий қадриятлари мавжудлигидан далолат беради. Улар нафақат тадбиркорликда фаолият кўрсатиш соҳалари бўйича, балки мол-мулк, фойда ва даромадга нисбатан муносабати бўйича ҳам ўзига хосликларга эга. Улар мулкдор сифатида ўз маиший эҳтиёжларини энг замонавий трендлар асосида қаноатлантиришга ҳаракат қилади. Катта авлодга нисбатан уларда ўтроқлашишга нисбатан мойилликдан кўра мобиллик хусусияти юқори. Бизнес юритиш фаолияти натижаларидан келиб чиқиб, у мамлакат ичида ҳам, ҳудудий ва соҳалар бўйича ҳам кўчиб ўтишга, ҳатто хорижий мамлакатларга ўз бизнесини кўчиришга мойиллик даражаси юқори, шу нуқтаи-назардан олганда ёш тадбиркор мулкдорларда миллий ғурур, ватанга муҳаббат, ватан келажиги учун қайғуриш ҳислатларини шаклланишига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Акс ҳолда космополитизм, манқуртликнинг ҳар қандай сояси ўрта қатлам мулкдорлар мавқъига путур етказиши мумкин.

Ёш бизнес мулкдорларда бюрократия, коррупция ва ҳар хил суистеъмолликларга нисбатан тоқатсизлик, мурасасизлик даражаси юқори эканлигини қайд этиш лозим. Бу эса ижтимоий ҳаётда ҳам, бизнес фаолиятда ҳам конфликтлар яъни низолар, зиддиятларни вужудга келиш эҳтимолини оширади. Ёшларга хос максимализм, ён беришларга, мурасага бормаслик, ўз нуқтаи-назарини ўзгартирмаслик асосида баъзан принципаллик, баъзи ҳолларда ўжарлик ҳам ётиши мумкин.

Давлат бошқаруви, одил судловни амалга оширишда ёшлар билан мулоқот тизимида бу ҳолатларни ҳисобга олиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Давлат бошқарув корпуси ходимларини тайёрлашда муаммони ушбу жиҳатларига ҳам эътибор қаратиш ўринли бўлур эди.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ўрта мулкдорлар қатлами давлат ва жамият барқарорлигини таъминловчи куч сифатида функциясини бажара олиши бўйича олимлар ўртасида баҳс мунозалар кетмоқда. Бу борада Патрик Бьюкенен шундай ёзади: “маданиятимиз ва давлатимизни асраб авайлаш стратегияси хусусида сўз борар экан, масалага жиддий ёндашиб, кучлар нисбатини теран таҳлил этмоқ лозим. Бунинг боиси шундаки, душман наинки Ғарбдаги ижтимоий-маданий институтлар, балки асосий корпоратив марказларни ҳам ишғол этган. Шу маънода глобаллашув ватанпарварлик туйғусига қанчалик зид бўлса трансмиллий корпорация ҳам анъанага шунчалик қарама-қаршидир. Чунки ўзгарувчан вазиятга мослаша олиш, ғайриахлоқий тамойилларга таянган корпорация ҳар қандай тизимда фаолият юритишга қодир. Корпорациянинг яккаю-ягона худоси иқтисодий самарадорлик

бўлгани боис, унинг учун ходимларнинг муайян миллат ёки давлатга садоқатли бўлишининг аҳамияти йўқ”.¹⁵

Фуқаролик жамияти ҳам бир вақтнинг ўзида, ҳам ўзига хос ижтимоий макон ташкилотчиси, ҳам жамиятни олға ривожлантирувчи муайян аниқ мақсадларни кўзлаб харакат қилувчи ижтимоий куч сифатида эътироф этилади. Бинобарин, ёш тадбиркор мулкдорларни нафақат иқтисодий тизимда, балки ижтимоий тизимда ҳам фаол бўлишини таъминлаш учун фуқаролик жамияти институционал тузилмаларидан самарали фойдаланиш доимий, тизимли асосда йўлга қўйилмоғи лозим. Ана шунда ўрта мулкдорлар қатлами жамият барқарорлигини таъминловчи яхлит ижтимоий қатлам сифатида ўз функцияларини амалга ошира олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. <https://president.uz/oz/lists/view/4461>
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/molodezhnoe-predprinimatelstvo-problemy-i-puti-resheniya>
3. Е.В.Титова., С.И.Королева., А.В.Ларченко., В.Г.Милославский
4. Патрик Жозеф Бьюкенен. Ғарбнинг ўлими. Тошкент. Имл-зиё заковат нашриёти. 2021 й. 239-б.
5. <https://cyberleninka.ru/article/n/molodezh-rossii-i-tsennosti-grazhdanskogo-obschestva>
6. Okyulov, K. (2022). Middle class in Uzbekistan: evolution and problems. Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19), 1(05), 46–53. <https://inlibrary.uz/index.php/scientific-research-covid-19/article/view/8449>
7. Okyulov, K. (2020). Middle class in Uzbekistan: evolution and problems. Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19), 1(05), 46-53.
8. Omonbaevich, O. K. (2014). MEDIUM CLASS IN UZBEKISTAN: EVOLUTION AND PROBLEMS. Финансы, (7), 72-73.
9. САИДОВ, А. Х., & ОКЮЛОВ, О. О. (2022). НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ УСИЛЕНИЯ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ЗАЩИТЫ ПРАВ И ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ СУБЪЕКТОВ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. Труды по Интеллектуальной Собственности, 41(2), 38-43.
10. Окюлов, Н. О. (2021). Ситуационные центры в системе обмена опытом на международном уровне в сфере подготовки и организации работы кадровых органов внутренних дел. Академическая мысль, (1 (14)), 43-46.
11. Окюлов Х. (2016). Рол и сущност нелегалных ресурсов в регулировании предпринимателской деятельности. Обзор законодательства Узбекистана, (1), 34–35. https://inlibrary.uz/index.php/uzbek_law_review/article/view/13444

^[15] Патрик Жозеф Бьюкенен. Ғарбнинг ўлими. Тошкент. Имл-зиё заковат нашриёти. 2021 й. 239-б.

12. Tokhirovna, P. N. (2023). Importance of Psychological Preparation in the Higher Education System. INTERNATIONAL JOURNAL OF INCLUSIVE AND SUSTAINABLE EDUCATION, 2(5), 91-94.
13. Парпиева, Н. Т. (2022). ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ БИОЭТИКИ. Academic research in educational sciences, (Conference), 137-140.
14. Tokhirovna, P. N. (2023). Some Issues of Students' Spiritual and Moral Development in Higher Educational Institutions. American Journal of Science on Integration and Human Development, 1(3), 5-7.
15. Parpiyeva, N. T. (2021). GEOSIYOSATNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARINI O'RGANISHNING AYRIM MASALALARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(11), 189-195.
16. Tokhirovna, P. N. (2023). Importance of Psychological Preparation in the Higher Education System. INTERNATIONAL JOURNAL OF INCLUSIVE AND SUSTAINABLE EDUCATION, 2(5), 91-94.
17. Парпиева, Н. Т. (2022). ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ БИОЭТИКИ. Academic research in educational sciences, (Conference), 137-140.
18. Tokhirovna, P. N. (2023). Some Issues of Students' Spiritual and Moral Development in Higher Educational Institutions. American Journal of Science on Integration and Human Development, 1(3), 5-7.
19. Parpiyeva, N. T. (2021). GEOSIYOSATNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARINI O'RGANISHNING AYRIM MASALALARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(11), 189-195.
20. Н.Т. Парпиева International scientific-online conference: INTELLECTUAL EDUCATION TECHNOLOGICAL SOLUTIONS AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS51<https://interonconf.org> РОЛЬ ГЛОБАЛЬНЫХ ПРОЦЕССОВ В РАЗВИТИИ СОТРУДНИЧЕСТВА ГОСУДАРСТВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ.
21. Okyulov, K. (2022). Middle class in Uzbekistan: evolution and problems. Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19), 1(05), 46–53. <https://inlibrary.uz/index.php/scientific-research-covid-19/article/view/8449>
22. Okyulov, K. (2020). Middle class in Uzbekistan: evolution and problems. Результаты научных исследований в условиях пандемии (COVID-19), 1(05), 46-53.
23. Omonbaevich, O. K. (2014). MEDIUM CLASS IN UZBEKISTAN: EVOLUTION AND PROBLEMS. Финансы, (7), 72-73.
24. САИДОВ, А. Х., & ОКЮЛОВ, О. О. (2022). НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ УСИЛЕНИЯ ПРАВОВЫХ ОСНОВ ЗАЩИТЫ ПРАВ И ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ СУБЪЕКТОВ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. Труды по Интеллектуальной Собственности, 41(2), 38-43.
25. Окюлов, Н. О. (2021). Ситуационные центры в системе обмена опытом на международном уровне в сфере подготовки и организации работы кадровых органов внутренних дел. Академическая мысль, (1 (14)), 43-46.